

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

52-сон
(1020)
2021 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

783. «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 декабрдаги ўРҚ–740-сон Қонуни
784. «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ўРҚ–742-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

785. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ–45-сон Фармони
786. «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, да-

- рахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони
787. «Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 декабрдаги ПҚ-64-сон қарори
788. «Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сон қарори
789. «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарори
790. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори
791. «Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сон қарори

Бешинчи бўлим

792. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 17 ноябрдаги 343-В-8-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 11 ноябрдаги 43-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-8*)
793. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 01-02/8-51-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3343*)

794. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 17 декабрдаги 36-тн-сон ««Умумий ўрта таълим муассасасининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2799-1*)
795. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 17 декабрдаги 35-тн-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг методик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2781-1*)
796. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 17 декабрдаги 78-сон «Етим болалар ва ота-она қарамовидан махрум бўлган болаларга тураржой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан, бюджет маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2150-2*)
797. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 24-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2896-1*)
798. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 25-мх-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш коидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2213-4*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

783 Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 10 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар; 4-сонга илова, № 8, 800-модда) **25-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига:

навбатдаги йил учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун;

ўтган молия йили учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш учун юборади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлар** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 декабрда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, №12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **25-модда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан биргаликда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритади»;

2) **26-модданинг биринчи қисми:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига хулоса тақдим этади»;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бўйича ташқи аудитни ва баҳолашни амалга оширади ҳамда улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказишни ва баҳолашни амалга оширади ҳамда улар юзасидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига хулоса тақдим этади»;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади»;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **28-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига:

навбатдаги йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулосани тақдим этиш учун;

ўтган молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш учун юборади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) 36-модданинг:

биринчи қисмидаги «шунингдек бюджет субсидияларидан» деган сўзлар «хомийлик маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган бошқа даромадлардан, шунингдек бюджет трансфертлари ва субсидияларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми «юридик шахс ташкил этмасдан» деган сўзлардан кейин «шу жумладан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳузурида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 46-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган, бироқ унинг таркибига кирмайдиган жамғармаларни ташкил этишга йўл қўйилмайди»;

6) 50-модданинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредитлар маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар»;

7) 51-модданинг 4-бандидаги «жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан» деган сўзлар «жойлаштиришдан ва фойдаланишга беришдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 72-модда қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш харажатлари»;

9) 94-модда қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тасдиқланган харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари захира жамғармаларининг маблағлари мустасно) 5 фоизига тенг миқдордаги маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради»;

10) 99-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Навбатдаги йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига тегишли хулосани тақдим этиши учун жорий йилнинг 20 сентябрга қадар юборилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари бўйича хулосани жорий йилнинг 1 октябридан кечиктирмай тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг 10 октябридан кечиктирмай жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади;

уларнинг жамоатчилик муҳокамаси яқунлари бўйича келиб тушган асосланган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг 25 октябридан кечиктирмай тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун расмий эълон қилингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бир ҳафта ичида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда қабул қилинади.

Навбатдаги йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан:

жорий йилнинг 10 октябридан кечиктирмай жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади;

уларнинг жамоатчилик муҳокамаси яқунлари бўйича келиб тушган асосланган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилади ҳамда жорий йилнинг 1 ноябридан кечиктирмай тегишинча халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ушбу қарорларга мувофиқлаштирилган ҳолда тегишинча туманларнинг ва шаҳарларнинг бюджетлари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тўғрисидаги тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан улар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади»;

11) 119-модда:

биринчи қисми:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «(давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг йил бошидаги қолдиқлари суммаси бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **126-модданинг олтинчи қисмидаги** «10» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

13) **143-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети даромадлари прогнозининг ошириб бажарилиши, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан, шунингдек электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни реализация қилишдан тушган маблағлар ҳисобидан харажатлар Давлат бюджетига ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

14) **145-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан»;

15) **151-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини сотишдан олинган даромадларнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ажратмалари»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

16) **158-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Резидент-юридик шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги фоиз ставкалари бўйича берилади.

Резидент-юридик шахсларга бюджет ссудаларини ва кредит линияларини чет эл валютасида бериш тақиқланади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

17) **165-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари:

а) ҳисобот даври учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — у белгиланган муддатларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ҳамда тегишли ҳокимликларга тақдим этади;

б) ҳисобот даври учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича ва муддатларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади»;

18) 166¹-модда:

биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси;

ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради»;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бюджет маблағларини тегишли тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги ахборотни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини, шунингдек солиқ тўловчилар кесимида тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай, йил якунларига кўра эса келгуси йилнинг 1 апрелига қадар жойлаштиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли маҳаллий бюджетлар қўшимча маблағларидан фойдаланилишига доир қарорларни (фармойишларни) улар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради»;

бешинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

саккизинчи қисмидаги «биринчи — тўртинчи» деган сўзлар «биринчи — еттинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **167-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 апрелига қадар юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги йиллик ҳисоботни ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 апрелига қадар юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир хулосани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир тегишли хулосаларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан биргаликда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан биргаликда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ушбу Кодекснинг 168-моддасида назарда тутилган муддатларда тақдим этади.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларнинг ташқи аудити ва уларни баҳолаш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари мажбурий равишда эълон қилинади;

20) **174-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун (бундан буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун деб юритилади) лойиҳасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларининг экспертизасини ҳамда ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш»;

2) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларининг экспертизасини ҳамда ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларининг экспертизасини ҳамда ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасида:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳасининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларининг шакллантирилишини уларнинг кўрсаткичлари асослилигини аниқлаш, уларнинг даромадларини прогноз қилиш ҳамда харажатларини режалаштириш, қарз сиёсати ва бюджетлараро муносабатларнинг сифатига баҳо бериш мақсадида ўрганишни ва таҳлил қилишни амалга оширади;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари бўйича хулоса беради»;

3) **30-модданинг тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия, шунингдек Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет-

ларининг лойиҳалари бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташқи аудитини ва уни баҳолашни амалга оширади»;

4) 35-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни таҳлил қилиш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш натижалари, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташқи аудити ҳамда уни баҳолаш натижалари, Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш натижалари, сиёсий партияларга молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда бу маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат натижалари юзасидан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда Ҳисоб палатаси томонидан ҳулоса тайёрланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 декабрь,
ЎРҚ-740-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

784 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 26 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2022 молия йили давомида фойдаланилади ва келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган қўйи ташкилотларига ўзларига республика бюджетидан ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини 10 фоизигача Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эл манбаларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) грант тарзида ажратилган маблағларни (микдори ва соҳалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мустақил белгилаш шартлари (имкониятлари)да тақдим этилган грант маблағлари бундан мустасно) биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилиши белгиланган микдорлари ушбу Қонунга ўзгартириш киритилмасдан кўпайтирилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2023-2024 йилларга бюджет мўлжаллари 1-иловага* мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлган 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллар 2-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2022 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5-модда. Республика бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари

2022 йил учун республика бюджети даромадлари прогнози 4-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2022 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган микдорлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

2022 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2022 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

7-модда. Айрим тўловлар ставкалари

2022 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага* мувофиқ (солиқ солиш мақсадлари учун);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага* мувофиқ;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланадиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш

2022 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 708,9 млрд сўм миқдориди белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегиш-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартишлар киритилмайди.

9-модда. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси яқунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизи ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан кам миқдоридаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни камайтириш Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 120-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинadиган давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгилаш

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги керак.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 2,0 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6,0 трлн сўм миқдорида белгилансин. Бунда молия йили давомида чиқариладиган ҳамда жорий йилда сўндириладиган Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари чекланган соф ҳажмга киритилмайди.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори-ни белгилаш

2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак.

3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

12-модда. 2022 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича декларация асосида тўланадиган солиқлар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан ҳамда филдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 63 фоизи, Тошкент вилоятида

42 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 63 фоизи, Тошкент вилоятида 40 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетларро трансфертларни тақсимлашга;

юрidik шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинadиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида, олтин қазиб олувчи корхоналар томонидан эса 100 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2022 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш

миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

13-модда. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган кўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг кўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатлар режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чорақлар якуни бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига худди шундай тартибда мурожаат этади.

2022 йилда:

Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-тиклашга доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан ва вилоятларнинг вилоят бюджетларидан;

адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш-

га доир харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан;

кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқларини ва қозонхона ускуналарини мукамал таъмирлашга доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

Ҳудудлардаги барча иссиқлик таъминоти ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий органлари ҳулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра иссиқлик таъминоти ташкилотлари аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

Барча туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тасдиқланган харажатларининг (бундан захира жамғармаси маблағлари мустасно) 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Барча туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14-модда. «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

«2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бир-

галикда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ЎРҚ-742-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

785 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

«2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ПФ-45-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги
ПФ-45-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сон Фармони 8-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ариза берувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда йўналтирилган му-рожаатларига асосан кўрсатиладиган давлат хизматлари (автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатно-ма бериш бўйича давлат хизмати бундан мустасно) учун тўланадиган дав-лат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдоридagi маблағлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузу-ридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига ўтказилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектлари-ни сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4933-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят-лар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Рес-публикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилади, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палата-сига йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартиб-га солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон Фармонининг 6-бандида:

а) «б» кичик бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбо-шилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10 фоизи — бироқ ҳар йили 100 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдор-да Жамғармага»;

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қолган қисми — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига»;

б) «в» кичик бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбо-шилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10 фоизи — бироқ ҳар йили 100 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдор-да Жамғармага»;

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қолган қисми — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида тегишли маҳаллий бюджет даромадига ўтказилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5787-сон Фармони 6-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«спорт лотереяларини ташкил этиш ва юридик шахслар томонидан спорт лотереяларини ўтказишдан олинган даромаднинг 10 фоизигача бўлган қисми;».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5812-сон Фармони 3-банди «в» кичик бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5930-сон Фармони 14-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи суммасининг 80 фоизи миқдоридаги маблағлар ҳамда Давлат хизматлари марказлари ва Филиаллар орқали кўрсатиладиган давлат хизмати учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар (автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтириш)га рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари бундан мустасно) ва барча турдаги тўловлар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига ўтказилади».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5953-сон Фармонига иловада:

65-банд чиқариб ташлансин;

195-банддаги «Бажариш муддати» устунда «2020 йил 1 декабрь» сўзлари «2023 йил 1 январь» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ–6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг 48-позицияси «Муддати» устунда «2020 йил 1 сентябрь» сўзлари «2023 йил 1 январь» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ–6269-сон Фармони 2-иловасининг 13 ва 14-позициялари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги
ПФ-45-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3240-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5228-сон Фармониغا 1-илованинг 1-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли қарори)»ги ПФ-5370-сон Фармониغا 2-илованинг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3646-сон қарори)»ги ПФ-5483-сон Фармониغا 1-илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**786 Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Қимматбаҳо навли дарахт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилиниши, дарахт кесганлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар миқдорининг оширилиши шулар жумласидандир.

Бирок, масъул ташкилотларнинг амалга оширилаётган ишларга сусткашлик билан ёндашиши ҳамда айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган тажовузкор ҳаракатлари, шу жумладан дарахтларни ноқонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, инвестицион фаоллик суръатларининг, жумладан саноат ишлаб чиқариш, қурилиш, урбанизация ва бунёдкорлик кўламининг кескин кенгайиши аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкларни камайтириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Дарахт, буталар ва яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш, ушбу соҳада масъул ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5863-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси татибиқ этилсин:

дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;

илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлилларни амалга ошириш ҳамда бунинг натижасида ҳудудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиш;

кўчатхоналар сонини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар иқлимига мос хорижий манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш;

ҳудудларда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни барпо этиш; дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

хар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш; дарахтларни шикастлантириш ва нобуд қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини янада ошириш.

2. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилсин.

Белгилансинки, мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда:

а) ҳуқуқбузарларга:

мораторий талабларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдори беш бараварга;

дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммалари икки бараварга оширилган ҳолда қўлланилади;

б) мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилади. Бунда:

даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил мобайнида даражасини (рейтинг баҳосини) кўтариш имконидан маҳрум бўлади;

даражасини (рейтинг баҳосини) бир поғонага пасайтириш имкони бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил муддатга қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингдан тўлиқ чиқариб ташланади;

в) янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди (эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно);

г) давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳукумат фармойишлари, баённомалар, ёзма топшириқлар, идоровий ҳужжатлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг кўрсатмалари ва қарорларини қабул қилиш қатъиян тақиқланади.

3. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун лойиҳа институтларининг жавобгарлигини белгилаш; дарахтлар ва буталарни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков

қилганлик, шикаст етказганлик, бошқа жойга кўчириб ўтказганлик ҳамда парвариш қилмаслик оқибатида уларнинг қуриб қолиши учун жавобгарликни кучайтириш.

4. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 апрелдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

аҳоли томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Давлат экология қўмитасининг махсус ахборот тизимига юборилган, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш бўйича ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосурат ва видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари акс эттирилган фотосурат ва видеоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекسدa белгиланган тартибда қўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Бунда, ҳуқуқбузарлик тегишли органлар томонидан бевосита аниқлангандан сўнг келиб тушган хабарлар бўйича рағбатлантириш амалга оширилмайди;

рағбатлантириш ҳуқуқбузарлик бўйича биринчи хабар берган шахсга нисбатан қўлланилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича фотосурат, видеоёзув ва хабарларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди;

рағбатлантириш маблағлари ундириладиган жарималарнинг тегишли органлар ҳисобида қолдириладиган қисмидан қоплаб берилади.

5. Белгилансинки, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар «102» тезкор қисқа рақами ёки «Эконазорат» ахборот тизими орқали қабул қилинади.

Давлат экология қўмитаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда давлат экологик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат экология қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар қуйидагилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган «Яшил макон» платформасини ишга туширсин:

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим хусусиятлари, уларда мавжуд дарахтлар сони, тури ва жойлашуви, шаҳарларнинг кўкаламзорлаштирилганлик даражаси;

аниқ ҳудуд (туман (шаҳар), маҳалла ва ер участкаси) кесимида аҳолининг шахсий ташаббуси асосида дарахтлар экилиши мумкин бўлган манзиллар ва дарахтларнинг турлари;

аниқ ҳудуд ва ҳар бир дарахт кесимида дарахтларни кесиш, шу жумладан санитария мақсадида кесиш учун берилган рухсатномалар;

аниқ ҳудуд ва ҳар бир дарахт кесимида дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ва кўчириш бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва улар бўйича кўрилган чоралар.

7. Қуйидагилар:

2022 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «яшил боғлар»ни барпо этиш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги ҳамда маданият ва истироҳат боғлари негизида ташкил этилаётган «яшил жамоат парклари» рўйхатлари 2а ва 2б-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) «яшил боғлар» шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида дарахтзор ва бутазорларни барпо этиш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, парвариш қилиш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади;

б) «яшил жамоат парклари» идоравий мансублигидан қатъи назар, бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари, шу жумладан аттракционлар қурилиши тақиқланган ҳамда аҳоли сайил қилишига мўлжалланган дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади;

в) қуйидаги тадбирларни молиялаштириш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади:

«Яшил макон» платформасини яратиш ва фаолиятини таъминлаш; дарахтларни бириктириш, хусусан тегишли кўчирмалар бериш;

г) «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил этиш, сақлаш ва ривожлантириш тадбирларини молиялаштириш маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манбалари, хомийлик ва грант маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари» жойлашган ер участкалари:

уларнинг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари тасарруфида бўлади;

уларнинг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари белгиланмаган бўлса, «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари» улардан фойдаланувчи ёки уларга хизмат кўрсатувчи тегишли давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилади;

е) туманлар (шаҳарлар) марказий кўчаларини кўкаламзорлаштиришда: экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг кўкарувчанлигини таъминлаш учун суғориш тизими мавжуд бўлмаган ерларга ҳамда ёши 5 йилдан кам бўлган кўчатларнинг экилиши тақиқланади;

бир турдаги дарахт ва бута кўчатларини экиш орқали «каштан кўча-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

си», «чинор кўчаси» каби намунавий кўчаларнинг ташкил этилишига устувор эътибор қаратилади;

ж) 2022 йил 1 мартдан бошлаб дарахт ва буталарнинг зараркунандлари ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларига маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 2 фоизигача миқдордаги маблағлар ажратилади.

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

хар йили куз ва баҳор мавсумларида кўчат экиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш бўйича «яшил ҳафталик» тадбирлари ўтказиб борилишини таъминласин;

телевидение ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланган ҳолда, ёшлар ва бошқа кўнгилдиларни дарахт экиш, парваришлаш ишларига фаол жалб қилиш тадбирларини ташкил қилсин.

10. Белгилансинки:

«яшил ҳафталик» тадбирларида бажариладиган барча ишлар ва ўтказиладиган тадбирлар ихтиёрий равишда амалга оширилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан аҳолига бепул кўчат тарқатиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига кўчатлар етказиб беради ҳамда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»га дарахт экиш мақсадида келган фуқароларни кўчат экиш учун зарур жиҳозлар билан таъминлайди;

кўкаламзорлаштириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган шахсларни Давлат экология қўмитаси томонидан «Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш амалиёти жорий этилади.

11. Барча туманларда (шаҳарларда) туман (шаҳар) ҳокими, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, ирригация бўлими бошлиғи, қурилиш бўлими бошлиғи ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғидан иборат намунавий таркибда ирригация ва суғориш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳлар тузилсин.

Ишчи гуруҳлар икки ой муддатда туманлар (шаҳарлар) марказларида ободонлаштириш объектларининг суғориш тизимларини, шу жумладан ариқлар, насослар, қудуқлар, суғориш қувурлари ва ер ости сув чиқариш қудуқларини хатловдан ўтказиб, уларни жорий таъмирлаш, қайта тиклаш ва тозалаш чораларини кўрсин.

12. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш бўйича дастур 3-иловага* мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлаш параметрлари

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, мазкур махсус техника ва механизмлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПҚ-4351-сон қарори билан тасдиқланган 2020 — 2024 йиллар даврида туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлашнинг йиғма параметрларига қўшимча равишда ажратилади.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга, зарур ҳолларда, мазкур банд билан тасдиқланган иловаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган таклифларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Мазкур бандда белгиланган тадбирлар 2022 йилда республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган ссуда маблағлари ҳисобидан, 2023 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг қўйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

аҳоли пунктларида қаровсиз қолган дарахтларни сақлаш ва парвариш қилиш ҳамда «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни кўкаламзорлаштириш, шу жумладан уларнинг ҳудудида дарахтларни экиш, сақлаш ва парвариш қилиш ишларига ишсиз шахсларни, биринчи навбатда, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни фаол жалб қилиш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмаларига мувофиқ ҳар йили куз ва баҳор мавсумларида кўчат экиш тадбирларини молиялаштириш.

14. 2022 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри таркибида республиканинг барча ҳудудларидаги ва ҳар қандай турдаги дарахтларнинг ҳисобини юритиш ҳамда уларни бириктириш учун «Дарахтлар реестри» тизими жорий этилади;

юримдик шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарага олувчилар ўзига бириктирилган дарахтларни сақлаш ва парвариш қилиш учун масъул ҳисобланади;

ҳар бир юримдик шахс — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдори ёки улардан фойдаланувчига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи томонидан туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда унга бириктириладиган барча дарахтлар бўйича «Дарахтлар реестри»дан ягона кўчирма берилади;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туташ ҳудудлардаги бириктирилган дарахтлар бўйича «Дарахтлар реестри»дан кўчирма мазкур дарахтлар ва улар жойлашган ер участкаларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқни келтириб чиқармайди.

15. Давлат экология қўмитаси:

а) республикадаги давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларнинг тўлиқ рақамлаштириш йўли билан хатловдан ўтказилишини қўйидаги тартибда таъминласин:

2023 йил 1 мартга қадар — Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятлари бўйича;

2023 йил 1 сентябрга қадар — Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятлари бўйича.

Бунда, Давлат экология қўмитасига учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланиш ва уларни тўловсиз учириш ҳуқуқи берилади;

б) юридик шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларга туташ ҳудудлардаги бириктирилган дарахтлар бўйича «Дарахтлар реестри»дан кўчирмалар берилишини қўйидаги тартибда таъминласин:

2023 йил 1 сентябрга қадар — Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятлари бўйича;

2024 йил 1 мартга қадар — Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятлари бўйича;

в) Кадастр агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларга туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда дарахтларни бириктириш ва «Дарахтлар реестри»дан кўчирма бериш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

г) ҳар йили камида бир маротаба янги экилган дарахтларни бириктириш бўйича қўшимча хатловларни амалга оширсин ва «Дарахтлар реестри»дан кўчирмалар бериб борилишини таъминласин.

16. Барча давлат органлари ва ташкилотлари:

уч ой муддатда ўз ҳудудларидаги дарахтлар сони ва тури ҳақида маълумотларни Давлат экология қўмитаси томонидан белгиланадиган шакл асосида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига тақдим этсин;

ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ўзлари томонидан янги экилган дарахтлар сони ва тури бўйича маълумотларни Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига мажбурий тартибда тақдим этиб борсин.

17. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси 2023 йил 1 сентябрга қадар давлат ўрмон фондига кирадиган дарахтлар тўлиқ рақамлаштириш йўли билан хатловдан ўтказилишини таъминласин ҳамда хатлов натижаларини «Дарахтлар реестри» тизимига киритиш учун Давлат экология қўмитасига тақдим этсин. Бунда, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланиш ва уларни тўловсиз учириш ҳуқуқи берилади.

18. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида хўжалик ҳисобидаги «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий корхоналари ташкил этилсин.

Қўйидагилар «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

манзарали дарахт ва буталар кўчатларини етиштириш бўйича ихтисослаштирилган кўчатхоналарни ташкил этиш;

республикада «яшил боғлар»ни кўпайтириш;

сув тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда суғориш ишларини амалга ошириш;

дарахтзорларни парвариш қилиш ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларини олиб бориш;

жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш.

19. Қўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида қўкаламзорлаштириш масалалари бўйича раис ўринбосари — «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси директори лавозими ва 5 нафар штат бирлигидан иборат Яшил ҳудудларни ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин.

20. Мазкур Фармонга 1-иловага асосан «яшил боғлар»ни ташкил этиш ишлари бўйича:

лойиҳачи этиб — «Ўрмонлойиҳа» лойиҳалаш институти;

пудратчи этиб — «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий корхоналари белгилансин.

21. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

бир ой муддатда «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий корхоналари уставлари белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

доимий асосда «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонасининг буюртмаларига мувофиқ шартнома асосида ўз тизимидаги ўрмон хўжаликлари томонидан манзарали дарахт ва буталарнинг юқори сифатли кўчатлари етказиб берилишини таъминласин;

икки ой муддатда Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг қўшимча даромадларини жалб қилиш ҳамда қўшимча манбалардан келиб тушадиган маблағларни ҳудудларда «Яшил боғлар» барпо этишга йўналтириш бўйича асосли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига икки ҳафта муддатда умумий майдонининг 60 фоизида қўкаламзорлаштириш объектлари мавжуд бўлган истироҳат боғлари, парклар ва тематик хиёбонларга ҳамда уларни ишончли бошқарув ва ижарага олган, инвестицион мажбуриятларини белгиланган муддатларда амалга ошириб бораётган ва солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорларга нисбатан ушбу фаолият тури бўйича юри-

дик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига камайтирувчи коэффициентларни қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун киритсин.

23. Мазкур Фармонга 22-бандда назарда тутилган субъектлар учун Солиқ кодексининг 414 ва 428-моддаларига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

24. Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси кенг жамоатчилик, илмий-тадқиқот институтлари ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда:

а) 2022 йил 1 майга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи «Тошкент шаҳри — яшил майдон» гоёсини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2026 йилга қадар Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштириш майдонларини халқаро стандартларга мувофиқ кенгайтириш ҳамда уни дунёнинг етакчи яшил шаҳарларидан бирига айлантириш;

биохилмаҳилликни асраш, тиклаш ва кўпайтиришнинг аниқ тизимини яратиш;

кўкаламзорлаштириш юзасидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича институционал базани, шу жумладан алоҳида тузилмаларни (лойиҳа офисларини) шакллантириш;

аҳолининг кўкаламзорлаштириш ишларидаги фаолиятини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

2022 — 2026 йилларда Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш дастурини тасдиқлаш;

б) 2022 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш бўйича бош режани ишлаб чиқсин ва унинг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

25. Яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва қўчат экиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

26. Олий Мажлис палаталарига Давлат экология қўмитасининг ахбороти асосида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ижроси юзасидан ҳудуд раҳбарлари фаолиятига баҳо бериб бориш тавсия этилсин.

27. Давлат экология қўмитаси икки ой муддатда:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Давлат экология қўмитаси билан биргаликда ушбу Фармоннинг аҳамиятини ва уни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.

29. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ПФ-46-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**787 Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда опера ва балет санъатини янада ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри фаолиятини такомиллаштириш, миллий опера ва балет санъатини кенг тарғиб этиш, унинг жаҳон санъат оламида тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6000-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Қуйидагилар республикада опера ва балет санъатини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Янги Ўзбекистонни барпо этишда опера ва балет санъатининг нуфузини ошириш, миллий опера ва балет санъатини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш;

опера ва балет санъатининг энг сара миллий ва классик асарларидан халқимизни бахраманд этиш, аҳоли, айниқса, олис ҳудудлардаги фуқароларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини қўллаб-қувватлаш;

миллий опера ва балет санъатини кенг оммалаштириш, унинг ноёб дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, устоз-шогирд аъёнлари ва ижодий мактабларни ҳар томонлама ривожлантириш;

опера ва балет санъати учун кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, театрлар ва таълим муассасалари узвий ҳамкорлигини таъминлаш, ушбу йўналишдаги театр ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 декабрда эълон қилинган.

опера ва балет санъати вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг равнақиға муносиб ҳисса қўшган таниқли намояндаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини тарғиб қилиш.

2. Миллий опера ва балет санъатида устоз-шоғирд анъаналари ва маҳорат мактабларини ривожлантириш мақсадида:

опера ва балет санъатидаги истеъдодли ва юқори малакали ижодкорларнинг маҳорат мактаблари 1-иловага* мувофиқ ташкил этилсин;

маҳорат мактабини яратган ижодкорлар Давлат бюджети ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида қўшимча рағбатлантириб борилсин;

маҳорат мактабларига улар фаолият юритадиган муассасанинг объектларидан текин фойдаланиш ҳуқуқи берилсин, шунингдек, уларга ушбу муассаса томонидан алоҳида хона ажратилсин ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилсин;

келгусида Маданият вазирлиги ҳайъати қарори билан ташкил этиладиган янги маҳорат мактабларига ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошида белгиланган рағбатлантириш чоралари татбиқ этилиши белгилансин.

3. Опера ва балет санъати учун амалий кўникма ва зарур маҳоратга эга бўлган кадрлар тайёрлаш, театр ва таълим ташкилотлари узвийлигини таъминлаш ҳамда бунга соҳадаги фахрийлар ва устоз ижодкорларни кенг жалб қилиш мақсадида қуйидагилар:

а) қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат хореография академияси ҳузурида Хореография ўқув театри;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳузурида (кейинги ўринларда — Театр) Вокал академияси ҳамда Опера ва балет асарларини яратиш ижодий устахонаси;

Театр ҳузурида 70 та штат бирлигидан иборат бўлган Фахрийлар оркестри ташкил этилсин;

б) Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Муסיқали театр-студияси фаолияти такомиллаштирилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда келтирилган:

ўқув театри, Вокал академия, ижодий устахона ва Фахрийлар оркестри юридик шахс ҳисобланмайди;

ўқув театри ҳамда Фахрийлар оркестрини жиҳозлаш ва уларни сақлаш харажатлари Давлат бюджети ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

Вокал академия ва ижодий устахона Театрда жойлаштирилади ҳамда Театрнинг бюджетдан ташқари маблағлари, меценатлик кўмаги, ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан жиҳозланади ва сақланади.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) икки ой муддатда ўқув театри, Вокал академия ва ижодий устахонанинг фаолият кўрсатиш тартибини

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тасдиқласин ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

4. Театр билан маданият ва санъат соҳасидаги таълим ташкилотларининг узвий ҳамкорлиги қуйидаги тартибда йўлга қўйилсин:

Театрнинг буюртмасига асосан вокал хонандалар, оркестр ва хор артистлари, балет соҳаси мутахассисларини тайёрлаш учун маданият ва санъат соҳасидаги тегишли таълим ташкилотларига ҳар йили махсус квота ажратилади;

В. Успенский ва Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музика мактаблари концерт-педагогик дастурини шакллантиришда Театрнинг репертуарлари инобатга олинади;

маданият ва санъат соҳасидаги таълим ташкилотларининг тегишли мутахассисликлар бўйича ўқувчи ва талабалари учун амалиёт дарсларини Театрда ўтказиш тизимли жорий этилади;

Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Ўзбекистон давлат хореография академияси тегишли мутахассисликлар бўйича битирувчиларининг малакавий (диплом) ишлари Театрда амалга оширилади;

Театрнинг маҳоратли ижодкорлари томонидан маданият ва санъат соҳасидаги таълим ташкилотларида тегишли мутахассислик фанлари бўйича Театрдан ажралмаган ҳолда дарс бериш йўлга қўйилади;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат хореография академиясида «Балет режиссёрлиги» бакалаврият таълим йўналиши очилади.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) билан биргаликда ушбу бандда белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминласин.

5. Маданият ва санъат, шу жумладан опера ва балет санъати учун техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни, хусусан грим устаси, реквизитор, сахна монтажчиси ва ёритувчини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузурида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб техникум ташкил қилинсин.

Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил қилинаётган техникум фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин ва малакали мутахассислар билан таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда техникумни жойлаштириш учун бино ажратсин ҳамда 2022/2023 ўқув йилига қадар унинг моддий-техника базасини шакллантирсин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (А.Н. Арипов) 2022 йил 1 июнга қадар техникумга 2022/2023 ўқув йили учун қабул параметрларини тасдиқласин.

6. Маданият ва санъат соҳаси, шу жумладан опера ва балет санъати бўйича йирик ижодий ишларни амалга оширган соҳа вакиллари учун Маданият соҳаси академиги махсус унвони (кейинги ўринларда — махсус унвон) таъсис этилсин.

Белгилансинки:

махсус унвон соҳибларига Бадий академиянинг академиклари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади, шу жумладан уларга даромад солиғидан озод қилинадиган ойлик гонорар тўланади;

махсус унвон маданият ва санъат соҳаларида йирик ижодий ишларни амалга оширган ижодкорларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида ҳар уч йилда бир марта ўтказиладиган сайлов натижаларига кўра берилади.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда махсус унвон учун номзодлар кўрсатиш, сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда махсус унвонни бериш тартибини тасдиқласин.

7. Театрга ҳар йили камида тўртта миллий ҳамда жаҳон классик опера ва балет асарларини саҳналаштириш учун давлат буюртмасини бериш йўлга қўйилсин, шунингдек, 2022 — 2026 йилларда Театр томонидан давлат буюртмаси асосида 2-иловадаги* режага мувофиқ саҳна асарлари саҳналаштирилиши таъминлансин.

Белгилансинки, Давлат бюджети ҳисобидан:

тарихий ва замонавий мавзуларда тегишлилиги бўйича миллий ҳамда жаҳон классик опера ва балет асарларини яратиш жараёнига Театр томонидан танлов эълон қилинади;

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан миллий ҳамда замонавий жаҳон классик опера ва балет асарларини яратиш ва саҳналаштириш учун халқаро даражадаги мутахассислар жалб қилинади;

давлат буюртмаси асосида яратиладиган саҳна асарларининг реклама-тарғибот ишлари уч ой олдин бошланади ҳамда ушбу мақсадлар учун ҳар бир буюртма суммасининг 10 фоизи миқдорида маблағ ажратилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) Театр репертуаридаги янги спектаклларни мунтазам равишда тасвирга олсин, уларнинг «Олтин фонди»ни яратсин, шунингдек, спектаклларни телеканаллар орқали эфирга узатиб борсин ҳамда бу борада хусусий телеканаллар билан ҳамкорликни йўлга қўйсин.

9. Опера ва балет санъати бўйича иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни юзага чиқариш ва рағбатлантириш тизимини жорий қилиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда:

февраль ойида «Ёш вокал ижрочилари»;

апрель ойида «Ёш балет ижрочилари»;

июнь ойида «Дирижёр, режиссёр ва балетмейстерлар» республика кўрик-танловлари ўтказилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган республика кўрик-танловларининг Гран-при ва 1-ўрин голиблари мос таълим йўналишлари бўйича тегишли давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият қабул квотасига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

10. Миллий опера ва балет санъатини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш,

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

энг сара миллий ва классик асарлардан аҳолини баҳраманд этиш, хорижий театрлар билан ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети ҳисобидан ҳар икки йилда:

Халима Носирова номидаги халқаро ёш операчилар кўрик-танлови;
«Тошкент баҳори» халқаро опера ва балет фестивали ўтказилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда келтирилган ҳамда хорижда ўтказиладиган халқаро нуфузли опера ва балет фестиваллари, танловларида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган ижодкорлар Давлат бюджети ҳисобидан даромад солиғидан озод қилинадиган қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади:

1-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида;

2-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари миқдорида;

3-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу қарорнинг 8 ва 9-бандларида белгиланган кўрик-танлов ва фестивалларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини тасдиқласин.

11. Театр фаолиятида замонавий маркетинг тизимини жорий этиш, юқори бадиий савиядаги спектаклларни саҳналаштириш ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

Театрнинг маркетинг, молиявий-иқтисодий ва бошқа ташкилий фаолиятини юритиш учун Театр тузилмасида бош менежер лавозими жорий этилсин;

хорижий мамлакатлардан етук ва малакали бош дирижёр Театрга камида икки йил фаолият олиб бориш шарти билан жалб этилсин;

Театрга Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига қўшимча 40 та ижодий ходим штат бирлиги ажратилсин.

2022 йил 1 июлдан бошлаб Театр ходимларига Давлат бюджети ҳисобидан базавий лавозим маошлари миқдори ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари 1,5 коэффициентга оширилган ҳолда белгилансин.

12. Аҳоли, айниқса, олис ҳудудлардаги фуқароларнинг маданий хордик чиқаришига қўмаклашиш мақсадида Театр жамоасининг ҳар йили камида тўрт марта республика ҳудудларига гастроль сафарларини ташкил этиш тартиби йўлга қўйилсин, шунингдек, Театр жамоасининг 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган маҳаллий гастроль сафарлари режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқласин.

Белгилансинки:

маҳаллий гастроль сафарларини ташкил этиш, чипталарни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари, меценатлик кўмаги, ихтиёрий ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

27 март — Халқаро театри куни муносабати билан Театрда ҳар йили

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

21 — 27 март, 1 июнь ва 1 ноябрь кунлари «очиқ эшиклар» куни деб эълон қилинсин. Ушбу кунларда ташриф буюрувчиларга театр намоишлари бепул ташкил қилинади ва маданий-маърифий тадбирлар, кўргазма ва ижодий учрашувлар ўтказилади.

13. Миллий опера ва балет санъатини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда маданий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги тартиб жорий қилинсин:

Театр жамоасининг хорижий давлатларга ҳар йили камида икки марта гастроль сафарлари ташкил этилади;

Театр ижодкорлари ва мутахассисларини хорижда ўқитиш, малака ошириш ва стажировкага юбориш йўлга қўйилади;

Театр томонидан малакали хорижий мутахассислар иштирокида ҳар йили камида икки марта маҳорат дарси ўтказилади.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган вазифалар Давлат бюджети, тўртинчи хатбошисидаги вазифалар меценатлик кўмаги, ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

Давлат бюджети ҳисобидан Театр жамоаси хорижий гастроль сафарларини ташкил этишнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган режаси 4-иловага* мувофиқ, шунингдек, опера ва балет санъати ижодкорлари ва мутахассисларини хорижда ўқитиш, малака ошириш ва стажировкага юборишнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган режаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг Васийлик кенгаши таркиби 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Театрнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, опера ва балет санъатини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Театр фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича дастурларни молиялаштириш ва амалга ошириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

Театрнинг Вокал академияси, ижодий устахона, маҳорат мактаблари ва таниқли намояндларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тадбирларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

Театрнинг доимий ривожланишини таъминлаш учун меценатлик кўмаги, ҳомийлик хайриялари, грантлар ва бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш;

Театр фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни амалга ошириш.

15. Опера ва балет санъатини янада ривожлантиришнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу чора-тадбирлар дастурида бел-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гиланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга шахсан масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

16. Театр ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг соғлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида:

Театр ходимларига сифатли ва бепул тиббий хизмат кўрсатиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бириктирилсин, бунда поликлиника томонидан кўрсатилган тиббий хизмат билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади;

хомийлик хайриялари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Театрнинг камида 50 нафар ходимини санаторийлар, дам олиш уйлари ва оромгоҳларда имтиёзли йўлланма билан соғломлаштириш ва дам олишлари ташкил этилсин.

17. Театр фаолиятини ривожлантиришга жисмоний ёки юридик шахс, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан йўналтирилган маблағлар, мол-мулк, шунингдек, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларимеценатлик кўмаги ҳисобланиши ҳамда улар Солиқ кодексига асосан солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига кириши маълумот учун қабул қилинсин.

18. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камилов) Маданият вазирлигининг талабномаларига биноан Театрда фаолият юритиш, тадбирларда иштирок этиш ва маҳорат дарслари ўтиш учун мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

19. Маданият вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Театрнинг фаолияти учун зарур бўлган мусиқа асбоб-ускуналари, техник жиҳозлар, чироклар, грим маҳсулотлари ва балет артистлари учун махсус либослар, оёқ кийимлар 2024 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

Давлат божхона қўмитаси (А.Ю. Мавлонов) мазкур бандга асосан хориждан олиб келинадиган товарлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган божхона божи суммаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Давлат бюджетига ундирилишини таъминласин.

20. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мазкур қарорда назарда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими, Театр васийлик кенгаши раиси Ж.А. Артикходжаев белги-лансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилот-лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринбосари А.А. Жўрабоев зим-масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 декабрь,
ПҚ-64-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**788 Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йиллар
га мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш
ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёнда-
шув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида***

Республиканинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқти-содиёт тармоқларига юқори технологияларни кенг жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали худуд-ларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, экспортни ривожланти-риш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, шунинг-дек, инвестицияларни тизимли режалаштириш ва инвестиция лойиҳалари-ни самарали бошқариш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан шакллантирил-ган, келгуси беш йилда 70 миллиард АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Респуб-ликасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури (ке-йинги ўринларда — Дастур) қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

а) 2022 — 2026 йиллар учун:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришнинг йиғма мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

тармоқлар ва ҳудудлар кесимида инвестиция ва кредитларни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

б) 2022 йил учун:

инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастур 3-иловага* мувофиқ;

ишга тушириладиган йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларининг манзилли рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

ташқи инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш талаб этиладиган йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватлари рўйхати 4а-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 6-иловага* мувофиқ;

давлат ташқи қарзини жалб қилиш режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳалари рўйхати 7-иловага* мувофиқ;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 8-иловага* мувофиқ;

амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — лойиҳалар ташаббускорлари:

а) 2022 йил 10 январга қадар мазкур қарорнинг 3, 5 ва 6-иловаларига киритилган ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича уларни амалга оширишнинг ойлар кесимидаги комплекс тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этсин;

б) 2022 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 7-иловасига киритилган, давлат ташқи қарзини жалб қилиш режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳаларининг концепцияларини Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигига киритсин;

в) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) билан биргаликда:

2022 йил 20 январга қадар мазкур қарорнинг 8-иловасига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда тасдиқлаш, шунингдек, молиялаштириш манбаларини аниқлаш чора-тадбирлари юзасидан «йўл хариталари»ни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2022 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 9-иловасига киритилган

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширишни бошласин.

3. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков):

Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар 2022 йилда давлат ташқи қарзини жалб қилиш режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳалари концепцияларини кўриб чиқиб, уларнинг тегишли хорижий ҳамкорларга келишиш учун юборилишини ташкил этсин;

2022 йил 15 январга қадар мазкур қарорнинг 4-иловасида назарда тутилган йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватлари устидан ойлик мониторинг ўрнатиш ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш бўйича масъулларни белгиласин;

Дастурни, шу жумладан унга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш комплекс тармоқ жадвалларининг бажарилишини ҳар ойда муҳокама қилиб, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин ва натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига лойиҳалар кесимида ахборот киритиб борсин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Стратегик ривожланиш агентлиги ва тегишли лойиҳа ташаббускорларининг қўйидагиларни назарда тутувчи стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш юзасидан таклифи маъқуллансин:

2022 йил учун стратегик инвестиция лойиҳалари рўйхатини 10-иловага* мувофиқ белгилаш ва унга киритилган стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича замонавий лойиҳа бошқаруви тизимини йўлга қўйиш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимида, унинг мавжуд штат бирликлари доирасида, стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа бошқаруви тизимини мувофиқлаштирувчи лойиҳа бошқаруви марказий офисини ташкил этиш;

стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тизимида ҳар бир стратегик инвестиция лойиҳаси бўйича алоҳида лойиҳа бошқарувчиларини тайинлаш.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича Лойиҳа бошқаруви тизими тўғрисидаги низомни тасдиқласин. Бунда, шу жумладан:

* 10-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳа бошқаруви марказий офиси ва лойиҳа бошқарувчиларининг вазифалари ҳамда функциялари;

лойиҳа бошқарувчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш (KPI), уларни эришилган кўрсаткичлар асосида рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тизими назарда тутилсин.

5. Худудларни комплекс ривожлантириш ҳамда инвестициявий фаолликни янада ошириш мақсадида, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимидаги мавжуд штат бирликлари доирасида туман (шаҳар) ва худудий лойиҳа гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда қўйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳамда инвестициявий салоҳиятини таҳлил қилиш;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизими билан биргаликда ер усти ва ер ости бойликларни ўрганишни ташкил этиш, аниқланган ер ости фойдали қазилма мавжуд майдонлардан фойдаланиш ҳуқуқларини электрон савдо майдончаларига жойлаштириш;

тегишли худуднинг «драйвер соҳалари» ҳамда мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан келиб чиқиб, истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

салоҳиятли инвесторларга инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишида кўмаклашиш;

жойларда бўш турган ва самарасиз ишлатилаётган объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ҳамда уларга тегишли лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичида тизимли кўмаклашиш.

Белгилаб қўйилсинки, туман (шаҳар) ва худудий лойиҳа гуруҳлари фаолиятига бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, инвестиция фаолияти соҳаси экспертлари ва мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) бир ой муддатда худудларда лойиҳа гуруҳлари, шунингдек, «Холдинг компания»лари фаолиятини йўлга қўйсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов, Ш.А. Вафаев):
а) бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан жамғармага «Холдинг компания»лари устав фондининг (капиталининг) 49 фоизигача улушга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида инвестиция лойиҳаларини бошқариш ҳамда ташқи савдо фаолияти йўналишларида малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув марказини ташкил этиш юзасидан қарор лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) лойиҳа ташаббускорлари билан бирга 2022 йил 1 мартга қадар амалга оширилаётган ва янгидан бошланадиган инвестиция лойиҳаларига оид ахборот ва маълумотларни «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритишни тўлиқ яқунласин ва уларнинг ўз вақтида янгилаб борилишини йўлга қўйсин.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) ҳар ойда «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимига тегишли ахборот ва маълумотлар лойиҳа ташаббускорлари томонидан ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли киритилишини танқидий муҳокама қилиб, камчиликларга йўл қўйган ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиб борсин.

7. Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимининг, шу жумладан унинг ҳузуридаги ташкилотларнинг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан 20 та штат бирлигидан (шундан, 14 та ҳудудий вакиллар штат бирлиги) иборат Ташқи савдо, инвестициялар ва тадбиркорлик соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилсин.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) билан биргаликда ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноат, техник жиҳатдан тартибга солиш ва тадбиркорлик соҳаларидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат ўрнатсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) билан биргаликда бир ой муддатда 2022 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

9. Қуйидагилар:

а) Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков — Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар ва стратегик инвестиция лойиҳаларининг натижадорлигини таъминлаш, тасдиқланган прогноз параметрлари бажарилишини тизимли муҳокама қилиш, лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиб боришга;

б) Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, Ш.М. Ғаниев ва А.А. Абдуҳақимов — тегишли соҳа ва тармоқларда Дастур ижросини, инвестицияларнинг ўз вақтида ва самарали ўзлаштирилишини, лойиҳалар натижадорлиги таъминланишини тизимли назорат қилишга;

в) инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосарлари А.Б. Воитов ва Ш.А. Вафаев — Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тизимли мониторинги ва таҳлилини олиб бориш, маблағларни ўзлаштириш самарадорлигини, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга;

г) вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларни самарали ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда ишга туширишга;

мазкур қарорнинг 8 ва 9-иловаларига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини белгиланган муддатларда сифатли ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, экспертизадан ўтказиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда ташкилотлар билан зарур шартномалар тузиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқишга;

2022 йил 1 июнга қадар мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ прогноз параметрлари асосида келгуси беш йиллик давр учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш параметрларини аниқлаштириш ҳамда янгилаш учун асослантилган таклифлар ишлаб чиқиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилиш, унинг натижадорлигини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ПҚ-72-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**789** Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

«2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2022 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага** мувофиқ;

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага** мувофиқ;

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози 3-иловага** мувофиқ;

Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетиди тўлиқ ҳажмда қолдирилсин:

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;

фойда солиғи (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинadиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);

қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно).

Бунда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) ҳудудлар кесимида инобатга олинади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

** Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2021 йил IV чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2022 йил январь ойида амалга оширилади ва 2021 йилги ҳисоботларда акс эттирилади.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади:

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 99,2 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига — 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 98,4 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига — 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,8 фоиз.

4. 2022 йил учун қуйидаги солиқ ставкалари:

а) «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ учун:

фойда солиғи 5-иловага* мувофиқ рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда;

олтин бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 10 фоиз ва палладий, кумуш, мис бўйича 15 фоиз миқдорида белгилансин. Бунда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ базаси ишлов бериш (бойитиш), қайта ишлаш (аффинаж) ва ташиш харажатларини чегирмаган ҳолда аниқланади;

б) «Ўзбекнефтгаз» АЖ учун нефть, табиий газ ва газ конденсати бўйича 15 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

5. Олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим 1 граммга 1 000 сўм миқдорида сақлаб қолинсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, «Ўздаверлойиҳа» илмий-лойиҳа институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 апрелгача ерларга солиқ солиш учун уларнинг норматив қийматини аниқласин ва қишлоқ хўжалиги ерларига эга юридик шахслар, шу жумладан деҳқон хўжаликларига етказсин.

7. Белгилансинки, жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи миқдоридаги тўловлар республика

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бюджети даромадлари қисмида қўшилган қиймат солиғини қайтаришга режалаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

8. 2022 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкалари қўлланиладиган товарлар рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Бюджет харажатларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2021 йилда тажриба тариқасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятининг мақсадли индикаторлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

40 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2022 — 2024 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

мақсадли индикаторларнинг бажарилишини баҳолаш ҳар чорак якуни бўйича вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан амалга оширилади;

ҳисобот йили якуни бўйича Ҳисоб палатаси мақсадли индикаторларнинг бажарилишини аудитдан ўтказди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли индикаторларнинг бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳар чорак якунида эшитиб бориш амалиёти жорий этилсин.

10. 2022 йил 1 январдан бошлаб ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш бўйича барча лойиҳалар учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ва унинг ҳудудий ҳисобрақамлари орқали молиялаштириш тартиби белгилансин.

11. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ерларда жойлашган ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари ажратилмайди.

Сув хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда автомобиль йўллари жойлашган ер участкаларини хатловдан ўтказсин ҳамда 2022 йил якунига қадар ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Белгилансинки:

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 йил 1 июндан бошлаб тажриба тариқасида, босқичма-босқич йил якунига қадар Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги барча унитар корхоналарга фақат Молия вазирлиги Ҳазначилиги томонидан хизмат кўрсатилади;

Молия вазирлиги Ҳазначилигига ўтказилган унитар корхоналарнинг бўш маблағлари тижорат банклари депозитларига Молия вазирлиги Ҳазначилигига буюртманома тақдим этиш орқали жойлаштирилади;

2022 йилгача давлат унитар корхоналари бўш маблағларининг тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган миллий валютадаги маблағлари депозитлар муддати тугагандан сўнг, уларнинг муддати узайтирилмасдан тегишли ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

13. 2022 йилда солиқ юкининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида қўйидагилар белгилансин:

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (тадбиркорлик фаолиятида фойдаланадиган ер участкаларидан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.

14. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўлашдан озод этилган солиқ тўловчилардан ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг бир фоизини ундириш тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Солиқ тўловчиларга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

2022 йил 1 февралга қадар 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани кўчмас мулк объектларига бир квадрат метр минимал қиймат миқдорини ҳисобга олмаган ҳолда тақдим этиш;

2022 йил 1 апрелга қадар кадастр органларида кўчмас мулк объектлари майдонларини таққослашни амалга ошириш, 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги аниқлаштирилган маълумотномани пеня ҳисоблаш кўринишидаги жавобгарлик чораси қўлланилмаган ҳолда тақдим этиш;

2022 йил 1 октябрга қадар кўчмас мулк қийматини баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда мустақил баҳолашни ўтказиш ва 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома ва баҳолаш ҳисоботини солиқ органларига тақдим этиш. Бунда кўчмас мулк объектларини мустақил баҳолаш ўтказиш режалаштирилганлиги тўғрисида 2022 йил 1 апрелга қадар солиқ органларини хабардор қилиш шарт;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини 2022 йил 1 февралга қадар тақдим этиш.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳар бир кўчмас мулк объекти қийматини мустақил баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг доимий асосда маълумотлар базасига киритилишини таъминласин.

16. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат харидлари (импорт шартномалари асосида амалга ошириладиган харидлардан ташқари) учун тўловлар фақат электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади.

17. 2022 йил 1 апрелдан 2022 йил 31 декабрга қадар тажриба тариқасида «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Uzbekistan Airways» АЖ мисолида товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий қилинади.

Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси 2022 йил 15 мартга қадар мазкур корхоналар мисолида ўзаро ҳисобга олиш механизмини ишлаб чиқсин.

Молия вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар тажриба сифатида қўлланилган тартибни бошқа корхоналарга татбиқ қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлга қадар давлат солиқ хизмати органларининг «Е-актив» автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилинмаганлик ёки ундаги барча операцияларни тўлиқ акс эттирмаганлик учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

19. 2022 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар учун этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналаридан фойдаланиш мажбурийлиги белгилансин.

20. Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда автомобилларга ёқилғи қўйиш станциялари ҳамда автомобилларга газ қўйиш ва газ тўлдириш компрессор станцияларига замонавий электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналарини ўрнатиш, уларни солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Давлат солиқ қўмитаси:

этил спиртини ва алкоғол маҳсулотларини ишлаб чиқаришда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналаридан фойдаланиш устидан тизимли ва қатъий назоратни таъминласин ва белгиланган талаб бузилган тақдирда, бундай солиқ тўловчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлансин;

қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни маҳсус ҳисобга қўйиш учун

фойдаланиладиган хавфни таҳлил қилиш тизимида мезон сифатида этил спиртини, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан қонунчиликда белгиланган рухсат этувчи (лицензия) талабларнинг бузилишини назарда тутсин.

22. Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази» давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасига «Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан хизматлар кўрсатиш учун асосланган ҳисоб-китобларга кўра маблағларни 2023 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ажратишни назарда тутсин.

23. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги тадбиркорликни, иқтисодиётнинг айрим соҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Давлат бюджетидан вазирлик ва идораларнинг мақсадли жамғармаларига 2017 — 2021 йилларда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилганлиги, уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини ўргансин ҳамда 2022 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича «йўл харитаси» 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 9-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2022 йил 1 январдан 10-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

27. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ПҚ-73-сон

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**790 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик назоратига услубий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш;

атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва объектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, улар турларининг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлигини ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш, қайта тикланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб бориш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикчиликни фаол жалб қилган ҳолда тизимни ташкил этиш;

атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишини «Коррупция-сиз соҳа»га айлантириш, экологик тарбия, тарғибот ва таълим тизимини ташкил этиш, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари фаолиятига кўмаклашиш.

2.Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

Давлат экология қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

туман (шаҳар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекциялари туман (шаҳар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимлари этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда уларнинг намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари бошлиқлари Давлат экология қўмитаси раиси томонидан бевосита лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Давлат экология қўмитаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Давлат экология қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аъзоси ҳисобланади.

4. Давлат экология қўмитаси раисига:

зарур ҳолларда, Давлат экология қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва унинг таркибига кирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг штат бирликларига қўшимча штат бирликларини жорий қилиш ва сақлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини ҳамда экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

5. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасини ҳамда экологик назорат тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш тизимини янги даражага кўтариш мақсадида Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Давлат экология қўмитасининг қуйидагиларни назарда тутувчи «Экологик патруль» ишлаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати ва Миллий гвардиянинг патрулликка жалб этилган бўлинмаларининг экология, атроф-му-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ваколатларини кенгайтириш;

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари ижроси сўзсиз таъминланишини назорат қилишда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари билан яқиндан ҳамкорлигини ўрнатиш ҳамда қўшма профилактик тадбирларни ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш.

7. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардия ва Давлат экология қўмитаси билан биргаликда:

уч ой муддатда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ваколатларини кенгайтириш юзасидан тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

доимий равишда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари ижроси сўзсиз таъминланишини назорат қилишда ўзаро яқиндан ҳамкорликни ўрнатсин ҳамда қўшма профилактик тадбирларни ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки, Давлат экология қўмитасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш ҳуқуқига эга ходимлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 285-моддасига асосан ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари ва транспорт воситаларини кўздан кечириш ҳамда ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш ваколатларига эга.

9. 2022 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига улар эгалигидаги бино ва иншоотларга туташ (чегарадош) бўлган ер участкалари қуйидаги шарт ва мажбуриятлар билан уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилади:

ер участкаларини обод ҳолда сақлаш;

дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни парвариш қилиш ва суғориш;

йиғиштириш-тозалаш ишларини амалга ошириш ва чиқинди қутиларини ўрнатиш;

болалар майдончалари, ўтириш жойлари (скамейкалар), тунги ёритиш тизимини ўрнатиш, таъмирлаш ва сақлаш;

аҳоли учун пиёда йўлакларини барпо этиш, таъмирлаш ва лозим даражада сақлаш;

б) мазкур бандга асосан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган ер участкаларида бино, иншоот, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ҳамда енгил конструкцияли объектларни ўрнатиш ва қуриш тақиқланади;

в) давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига тегишли ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб бериш ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган талаблар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

г) мазкур бандга асосан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб бериладиган ер участкаларида давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари томонидан белгиланган шарт ва мажбуриятлар бажарилиши ус-тидан назорат ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати, Миллий гвардиянинг патруликка жалб этилган бўлинмалари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2023 йил 1 январга қадар шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган ҳамда бўш турган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер участкалари тегишли давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига ажратилишини;

доимий равишда шаҳарсозлик фаолияти натижасида шаклланган янги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер участкалари белгиланган тартибда тегишли давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига ажратилиб борилишини таъминласин.

11. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига қуйидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни киритиш ҳуқуқи берилсин:

давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари томонидан мазкур қарорнинг 9-10-бандларига асосан уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган ер участкаларида тегишли шарт ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича;

2023 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган ҳамда бўш турган ер участкалари тегишли давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига ажратилиб борилишини таъминлаш бўйича.

12. 2022 йил 1 февралдан бошлаб:

вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозими тугатилиб, қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин;

Тошкент шаҳри ва унинг туманлари ҳокимларининг архитектура, капитал қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича

биринчи ўринбосари лавозими тугатилиб, қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими киритилсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасининг Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 3 нафардан иборат бўлган Экологик назорат бўлими ташкил этилсин.

Белгилансинки, Экологик назорат бўлимининг 1 нафар штат бирлиги Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг умумий штат бирликлари доирасида ҳамда 2 нафар штат бирлиги Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча ажратилиши орқали шакллантирилади.

14. Давлат экология қўмитаси кенг жамоатчилик, илмий тадқиқот институтлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этган ҳолда 2022 йил 1 декабрга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Экологик кодекс лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

экологияга оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва ихчамлаштириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик назоратининг роли ва таъсирини ошириш;

биохилмаҳилликни асраш, тиклаш ва қўпайтиришнинг аниқ механизмлари ва рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишда давлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

экологик назорат ва мониторинг турларини амалга ошириш тартиби, шу жумладан «яшил иктисодиёт»ни рағбатлантириш чоралари;

экологик экспертизани амалга ошириш тартиби.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ-3956-сон қарори 3-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошилари ва 4-банди, шунингдек, унга 1 — 5 иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Давлат экология қўмитаси икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ПҚ-76-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**791** **Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида сўнгги беш йилда мамлакатимиздаги уста хунармандлар сони 7 баробарга, шогирдлар 9 баробарга кўпайиб, соҳада банд бўлганлар сони 230 минг нафарга етди.

Хунармандларнинг халқ амалий санъати миллий каталоги яратилиб, фахрий ва халқаро кўргазма ҳамда танловларда ғолиб бўлган 340 нафар усталар ушбу каталогдан ўрин олди. Шунингдек, 1,5 мингга яқин хунармандлар туризм реестрига киритилиб, ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллабай ишлаш орқали фойдаланилмаётган имкониятларни тўла ишга солиш, хунармандлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини янада кенгайтириш, хунармандчилик маҳсулотлари учун янги бозорларни топиш борасида қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, «уста-шогирд» анъаналари асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–55-сон қарорига асосан, 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида:

лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 триллион сўм маблағ ажратилганлиги;

имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун — 3 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари дои-

* Ушбу қарор «Кунунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 декабрда эълон қилинган.

расида ажратилаётган маблағларнинг 500 миллиард сўми хунармандчилик лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилади;

имтиёзли кредитлар хунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 6 ойгача имтиёзли давр билан 225 миллион сўмгача оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кўзда тутилган шартларда ажратилади;

имтиёзли кредитлар хунарманднинг талаби бўйича нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади;

олдинги йилларда хунармандларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилган қисмидан ҳосил бўлган маблағлар айнан хунармандчилик лойиҳаларини молиялаштириш учун қайта йўналтириб борилади;

хунармандларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланилиши ва уларнинг тижорат банкларига ўз вақтида қайтарилиши юзасидан «Хунарманд» уюшмаси тижорат банклари билан биргаликда доимий мониторинг ва назорат тизимини ўрнатади.

Бунда, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредит ажратиш бўйича «oilakredit.uz» электрон платформа-сида хунармандларни онлайн навбатга қўйиш ва уларнинг лойиҳаларини кредитлаш учун алоҳида бўлим ишга туширилади.

3. 2022 йилдан бошлаб Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жам-фармаси ҳисобидан:

«уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунар-мандларга — шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун 6 ой давомида ҳар ойда база-вий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

шогирдларга — мустақил фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиши, шунингдек, усталарга — интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган қисмига субсидиялар ажратиш тартиби жорий этилсин.

Бунда, субсидия ажратиладиган хунармандлар ва шогирдлар ҳисоби «Хунарманд» уюшмаси томонидан юритилиб, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг «Онлайн маҳалла» электрон платформаси билан интеграция қилинади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги ва «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган субсидияларни ажратиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. 2022 йилдан бошлаб «Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун:

ижтимоий солиқ ставкаси йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

фаолият юритиш жойидан қатъи назар, коммунал инфратузилма хиз-

матлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган 2022 йилда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига шахсий жавобгарлик юклансин.

Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 июнга қадар Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдосига ихтисослашган хунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларини (кейинги ўринларда — савдо павильонлари) ташкил этсин.

Белгилансинки:

савдо павильонлари 150 квадрат метрдан кам бўлмаган майдонда, Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳа асосида ташкил этилади;

савдо павильонларини ташкил қилиш (қуриш) маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

фойдаланишга топширилган савдо павильонлари Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилади;

Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси савдо павильонлари орқали хунармандчилик маҳсулотларини сотиб олиш ҳамда реализация ва экспорт қилиш ишларини тизимли ташкил этишга масъул бўлади;

савдо павильонлари хорижий ва маҳаллий туристлар учун мўлжалланган туристик маршрутларга киритилади.

7. Қурилиш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда савдо павильонларининг намунавий лойиҳаларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хунармандчилик анъаналари асосида ишлаб чиқсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия вазирлиги, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар Тошкент шаҳри туманлари, Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ҳамда хунармандчилик ривожланган туман ва шаҳарлардаги давлат хизматлари марказлари биноларида доимий

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фаолият кўрсатувчи миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўرғазмалари ва савдо расталари фаолиятини йўлга қўйсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили «Ўзэкспомарказ» павильонларида «Craft fair Uzbekistan» халқаро хунармандчилик маҳсулотлари ва технологиялари ярмаркасини ташкил этиб борсин.

Белгилансинки, ярмаркани ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ҳудудларга бириктирилиб, миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш бўйича масъул этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва ваколатхоналарининг туризм фаолиятига кўмаклашиш, жумладан хунармандчилик маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш борасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботларини ҳар олти ойда бир маротаба Олий Мажлис Сенатида эшитиш амалиёти йўлга қўйилсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги «Хунарманд» уюшмаси, Бадий академия, Фанлар академияси Санъатшунослик институти билан биргаликда 2022 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудуднинг миллий урф-одатлари, халқ амалий санъати ва миллий давлатчилик тарихини ўзида акс эттирган, шунингдек, хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотадиган музейлардаги ноёб экспонатлар репликациялари асосида янги хунармандчилик маҳсулотлари намуналарини тайёрлаб, хунармандлар томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширсин.

12. Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси «Хунармандчилик марказлари» ва «Ўста-шогирд» мактабларини туристик маршрутларга киритиш чораларини кўриб борсин.

13. Молия вазирлиги уч ой муддатда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Катта Дўмбиробод» маҳалласида «Хунармандчилик маркази» ва «Ўста-шогирд мактаби» биносини қуриш ишларини якунлаш ҳамда зарур асбоб-ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўмгача маблағ ажратсин.

Бунда, маблағлар ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича «Хунарманд» уюшмаси томонидан тақдим этиладиган асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ажратилади.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

маҳаллаларда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ҳоким ёрдамчилари ва «Хунарманд» уюшмаси қўйи тузилмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

ҳоким ёрдамчилари ва «Хунарманд» уюшмасининг ҳудудлардаги масъул ходимлари билан биргаликда маҳаллаларда хунармандчилик лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Хунарманд» уюшмаси ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминласин.

16. Савдо-саноат палатаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Савдо-саноат палатаси раиси А.И. Икромов, «Хунарманд» уюшмаси раиси У.Т. Абдуллаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 декабрь,
ПҚ-77-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

792 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 ноябрь,
343-В-8-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 ноябрь,
43-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
17 ноябрдаги 343-В-8-сон ва Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2021 йил 11 ноябрдаги
43-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялашти-
ришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банднинг ўн саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ички қоидалар тўлов агентлари ва тўлов субагентларига, шунингдек
тижорат банкининг барча бўлинмаларига ҳамда шўъба банкларига ижро
учун мажбурийдир.».

2. 22-банднинг «б» кичик бандида:
иккинчи — бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
олтинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — олтин-
чи хатбошилар деб ҳисоблансин;
тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошган
суммада банк ҳисобварағини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан,
операцияларни амалга оширишда;»;
бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«мазкур Қоидаларнинг 38¹-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган пул ўтказмаларини бажаришда ёки қабул қилишда».

3. 38¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38¹. Базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараварига тенг ёки ундан ошган суммадаги юборилаётган ички электрон пул ўтказмалари бўйича маълумотлар халқаро пул ўтказмалари учун қайд этилгани каби жўнатувчи тўғрисидаги идентификация жараёнида олинган маълумотларни ҳамда олувчи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак, жўнатувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумот олувчи тижорат банки томонидан бошқа манбалар орқали олиниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Бу ҳолатда жўнатувчи тижорат банкка жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини, шунингдек ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақамини (идентификатор) қўшиб қўйиш етарли, агар ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки идентификатор операцияни жўнатувчи ёки олувчигача кузатиб бориш имконини берса.

Тижорат банклари базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан ошмаган суммадаги ички электрон пул ўтказмаларини жўнатувчи ҳақидаги (жўнатувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақами) ва олувчи ҳақидаги (олувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақами) маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари керак.».

4. 70-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Шубҳали операция ҳақидаги хабар Ички назорат хизмати томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

793 Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3343

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ–6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2022 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 ноябрь,
01-02/8-51-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
10 ноябрдаги 01-02/8-51-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган
товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари
миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ–6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада та-

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 декабрда эълон қилинган.

комиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларнинг божхона расмийлаштирувидан олдин ушбу товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлашда божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дастлабки қарор — Ўзбекистон Республикасига ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан олиб кириладиган товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштиришда тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини олдиндан аниқлаш бўйича божхона органи томонидан қабул қилинадиган ҳужжат;

манфаатдор шахс — Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарнинг эгаси бўлган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ёки товарга нисбатан божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс;

божхона органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг (бундан буён матнда ДБК деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар (бундан буён матнда товар деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига нисбатан божхона расмийлаштируви учун мўлжалланган чет эл товарлари ва (ёки) транспорт воситалари;

божхона йиғими — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкаларда дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ундириладиган йиғим.

2. Дастлабки қарорни олиш манфаатдор шахс учун ихтиёрий ҳисобланади.

Бунда, божхона органи томонидан божхона расмийлаштирувини амалга оширишда манфаатдор шахсдан дастлабки қарорни тақдим этишни талаб қилишга, шунингдек дастлабки қарорнинг мавжуд эмаслигини асос қилиб, божхона расмийлаштирувини амалга оширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

3. Манфаатдор шахс томонидан дастлабки қарорни олиш юзасидан божхона органларига божхона юк декларацияси тақдим этилишидан олдин мурожаат қилинади.

4. Дастлабки қарор товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган тегишли божхона органи томонидан ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда қабул қилинади ва манфаатдор шахсга тақдим этилади.

Агар товарларни бир нечта божхона органлари орқали олиб ўтиш ре-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жалаштирилган бўлса, манфаатдор шахс ўз хоҳишига кўра ушбу божхона органларидан исталган биттасига мурожаат қилишга ҳақли.

5. Дастлабки қарор божхона органлари учун мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Дастлабки қарорни олиш учун мурожаат қилиш

6. Манфаатдор шахс дастлабки қарорни олиш учун ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза билан божхона органига ёзма ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда ЯИДХП деб юритилади) ёхуд ДБҚнинг расмий веб-сайти (бундан буён матнда веб-сайт деб юритилади) орқали электрон тарзда мурожаат қилади.

7. Товарлар асосий техник-тижорат тавсифлари (маркалари, моделлари, артикуллари, модификациялари), ишлаб чиқарувчиси, ишлаб чиқарилган йили ва бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланса, аризада товарлар мазкур белгиларига кўра алоҳида кўрсатилади.

Агар товарларнинг миқдори асосий ўлчов бирлигидан (килограмм) фарқ қиладиган ўлчов birlikларида ўлчанса, аризада ҳар бир товар бўйича қўшимча ўлчов birlikларидаги (дона, литр, метр, кв. метр, жуфт ва бошқалар) миқдорлар ҳам кўрсатилиши керак.

8. Аризага қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатлар илова қилинади:

а) мажбурий тартибда:

коносамент, авиа, автотранспорт ёки темир йўл варақаси;

ҳисоб-фактура (инвойс) ёки проформа-инвойс;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) мувофиқ товарларнинг коди;

товарларнинг нархи, миқдори (қўшимча ўлчов birlikларидаги миқдори), асосий техник-тижорат тавсифлари (маркаси, модели, артикули, модификацияси), ишлаб чиқарувчиси, ишлаб чиқарилган мамлакати, ишлаб чиқарилган йили тўғрисидаги маълумотлар;

товарнинг божхона қийматини аниқлаш усулидан келиб чиққан ҳолда ушбу Низомнинг 3-иловасида* келтирилган божхона қийматини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатлар;

б) мавжуд бўлганда:

товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи сертификат;

юк ташиш (ўров) варақлари;

товарларни таснифлаш бўйича олинган дастлабки қарор;

товарларнинг фотосуратлари, расмлари, чизмалари ва паспортлари, шунингдек дастлабки қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ва ҳужжатлар.

Манфаатдор шахслардан ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ариза ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлардаги маълумотлар

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғри ва тўлиқ бўлиши лозим. Бунда, маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун манфаатдор шахс жавобгар ҳисобланади.

10. Манфаатдор шахс божхона органига ёзма шаклда мурожаат қилганда, божхона органи ходими томонидан манфаатдор шахсга ариза қабул қилинганлигини тасдиқловчи ушбу ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда ариза қабул қилинган сана кўрсатилган тегишли ҳужжат ёки аризанинг нусхасига ушбу маълумотларни қайд этган ҳолда имзо қўйиб берилади.

11. Манфаатдор шахс ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилганда, аризада товарлар ҳақидаги тегишли маълумотларни кўрсатган ҳолда мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ тегишли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини ЯИДХП ёки веб-сайтда бириктиради.

Манфаатдор шахс аризани ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган тегишли божхона органига юборади.

3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва кўриб чиқишни рад этиш

12. ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилинганда, ариза ДБКнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига (бундан буён матнда ДБК ЯААТ деб юритилади) автоматик равишда келиб тушади. Ёзма шаклда топширилган аризалар келиб тушган кундан кечиктирмай божхона органининг масъул ходими томонидан ДБК ЯААТга киритилади.

Аризалар ДБК ЯААТга келиб тушган куннинг ўзида электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади.

13. Ариза рўйхатдан ўтказилганидан сўнг шу куннинг ўзида манфаатдор шахснинг аризасида кўрсатилган телефон рақамига ариза қабул қилинганлиги ва унинг рўйхат рақами кўрсатилган SMS хабар юборилади.

ЯИДХП ва веб-сайтда аризанинг рўйхат рақами орқали унинг ҳолатини онлайн тарзда кўриш мумкин.

14. Ариза ДБК ЯААТда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

15. Божхона органи масъул ходими ариза келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида унинг мазкур Низомнинг 2-бобида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганади.

16. Қуйидаги ҳолларда аризани кўриб чиқиш рад этилади:

а) аризани тақдим этишда мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаган бўлса;

б) аризага ушбу Низомнинг 8-банди «а» кичик бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса;

в) аризада назарда тутилган маълумотлар нотўғри, товарларнинг божхона қийматини миқдорий жиҳатдан аниқлаш имконини бермайдиган ва ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ахборотга асосланган бўлса;

г) манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинган ариза ва унга илова

қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида номувофиқликлар мавжуд бўлса.

Аризани кўриб чиқиш ушбу бандда назарда тутилмаган асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

17. Мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ аризани кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда шу куннинг ўзида манфаатдор шахсга ёзма ёки электрон тарзда хабарнома юборилади. Хабарномада аризани кўриб чиқишнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилади.

18. Манфаатдор шахс аризани кўриб чиқишнинг рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда, дастлабки қарорни олиш учун қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

19. Аризани кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, такроран киритилган ариза ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда кўриб чиқилади.

20. Аризани кўриб чиқишнинг рад этилишига асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, божхона органи масъул ходими аризада кўрсатилган божхона қийматини аниқлаш усулидан келиб чиқиб, тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 44-боби мувофиқ кўриб чиқади.

21. Дастлабки қарорни олиш бўйича аризанинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

4-боб. Дастлабки қарорни қабул қилиш

22. Дастлабки қарор ДБҚ ЯААТда божхона органининг раҳбари (ўринбосари) томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш йўли билан қабул қилинади. Тасдиқланган дастлабки қарорга ДБҚ ЯААТ орқали автоматик равишда матрицали штрих код (QR-код) қўйилади.

Бунда, аризада кўрсатилган товарларнинг турлари ва ҳажмидан қатъи назар, битта ариза бўйича битта дастлабки қарор қабул қилинади.

23. Дастлабки қарор қабул қилинганидан сўнг манфаатдор шахснинг телефон рақамига дастлабки қарор қабул қилинганлиги ва божхона йиғимини тўлаш лозимлиги тўғрисида тегишли тўлов бўйича инвойс шакллантирилган ҳаволали SMS хабар юборилади.

Божхона йиғими божхона органининг шу мақсадда очилган шахсий газна ҳисобварағига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ставкаларда дастлабки қарорни қабул қилганлик учун белгиланган миқдорда тўланади.

Бунда, дастлабки қарорни олиш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, мазкур бандда кўрсатилган йиғим бўйича тўланиши лозим бўлган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади.

ЯИДХПда божхона йиғимини тўлаш имконияти яратилади.

24. Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун божхона йиғими манфаатдор шахснинг кўрсатмасига асосан унинг божхона органи шахсий газна ҳисобварағига дастлабки тарзда ўтказилган пул маблағларидан ҳам ечиб олиниши мумкин.

25. Манфаатдор шахс божхона йиғимини тўлаганидан сўнг, ўзи мурожаат қилган ЯИДХП ёки веб-сайт орқали аризанинг рўйхат рақамини кiritган ҳолда дастлабки қарорнинг электрон шаклини юклаб олади, шунингдек ёзма шаклда мурожаат қилинган бўлса, дастлабки қарорнинг электрон ёки қоғоз шаклини ариза топширилган божхона органидан олади.

26. Манфаатдор шахс қабул қилинган дастлабки қарор учун божхона йиғимини ўттиз кун ичида тўламаган тақдирда, божхона йиғими божхона органи томонидан суд тартибида ундириб олинади.

27. Қабул қилинган дастлабки қарорлар тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор шахслар ҳақидаги маълумотларнинг конфиденциаллигини сақлаган ҳолда веб-сайтга автоматик тарзда жойлаштириб борилади.

5-боб. Дастлабки қарорни қабул қилишни рад этиш асослари

28. Қуйидаги ҳолларда божхона органи томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш рад этилади:

а) ариза юзасидан муқаддам айнан бир манфаатдор шахсга айнан бир хил товарлар бўйича дастлабки қарор берилган ва бунга қадар ушбу дастлабки қарорнинг амал қилиш муддати тугамаган бўлса;

б) аризада кўрсатилган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усули уни тасдиқлаш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларга мос эмаслиги аниқланган бўлса.

Дастлабки қарорни қабул қилиш ушбу бандда назарда тутилмаган асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

29. Божхона органи томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда шу куннинг ўзида манфаатдор шахсга ёзма ёки электрон шаклда хабарнома юборилади. Хабарномада дастлабки қарорни қабул қилишнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилади.

30. Манфаатдор шахс дастлабки қарорни қабул қилишнинг рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда божхона органига қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

6-боб. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш

31. Божхона органлари томонидан дастлабки қарорни қабул қилишда божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловлари миқдорига таъсир этган хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда, шунингдек манфаатдор шахснинг аризасига кўра ёки қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан амал қилиш муддати тугамаган дастлабки қарорга ўзгартириш киритилиши мумкин.

Манфаатдор шахс дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш тўғрисида мурожаат қилганда, дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш мазкур Низомда дастлабки қарорни қабул қилиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки қарорга ўзгартириш киритилиши унинг амал қилиш муддатининг ўзгаришига олиб келмайди.

32. Манфаатдор шахс дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш учун мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда ва шаклда мурожаат қилади ҳамда ўзгартириш киритиш зарурияти ва асословчи ҳужжатларни тақдим этади.

33. Дастлабки қарорга манфаатдор шахснинг аризасига асосан ўзгартириш киритилганда, дастлабки қарор қабул қилинганлиги учун белгиланган миқдорда божхона йиғими ундирилади.

Дастлабки қарорга божхона органининг ташаббуси билан ўзгартириш киритилган тақдирда, божхона йиғими ундирилмайди.

34. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритилганидан сўнг, ЯИДХП, веб-сайт ва ДБҚ ЯААТга жойлаштирилган дастлабки қарор божхона органи томонидан унинг ўзгартирилган ҳолатдаги шаклига алмаштириб қўйилади.

35. Дастлабки қарорга киритилган ўзгартириш у киритилган кундан бошлаб амал қилади.

36. Манфаатдор шахс томонидан дастлабки қарорни олиш учун атайлаб нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланса, дастлабки қарор ДБҚ ёки суд томонидан бекор қилинади.

37. ДБҚ томонидан дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда қабул қилинади.

Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганда дастлабки қарор қабул қилинган кундан эътиборан бекор қилинган ҳисобланади.

38. Агар божхона ҳудуди орқали ўтказилган товарларнинг божхона тўловлари бекор қилинган дастлабки қарор асосида ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммадан кам тўланганлиги аниқланса, тўловларнинг кам тўланган қисми айбдор шахслардан ихтиёрий ёки суд тартибида ундирилади.

39. Дастлабки қарор манфаатдор шахснинг айби билан бекор қилинган тақдирда, унинг учун тўланган божхона йиғими қайтарилмайди.

40. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор ДБҚ ЯААТга электрон шаклда жойлаштирилади.

41. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай манфаатдор шахсга ёзма ёки электрон шаклда етказилади.

7-боб. Дастлабки қарорнинг амал қилиш доираси ва муддати

42. Дастлабки қарор қабул қилинган кундан бошлаб 90 календарь кун давомида амал қилади.

43. Дастлабки қарорда кўрсатилган товарлар битта ташқи савдо шартномаси доирасида олиб кирилган тақдирда, дастлабки қарор ташқи савдо шартномаси муддати тугагунга қадар, бироқ қабул қилинган кундан бошлаб 90 календарь кун давомида амал қилади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

44. Дастлабки қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг исталган божхона постида божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Бунда, дастлабки қарорни қабул қилиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар божхона расмийлаштирувида тақдим этилган ҳужжатлар билан бир хил бўлиши керак.

45. Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида божхона органининг ходимлари томонидан ДБҚ ЯААТдан дастлабки қарорнинг электрон шакли манфаатдор шахс тақдим этган маълумотлар (фамилия, исм, отасининг исми ёки аризанинг рўйхат рақами) асосида исталган вақтда юклаб олинади.

46. Товарлар бўйича божхона тўловлари дастлабки қарор асосида амалга оширилади.

8-боб. Яқуний қоидалар

47. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

48. Манфаатдор шахслар божхона органларининг қарорларидан норози бўлган тақдирда, бевосита ДБҚнинг апелляция кенгашига ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Божхона органлари томонидан манфаатдор шахслардан асоссиз равишда ундирилган маблағлар қоплаб берилади.

49. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

***Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирининг биринчи ўринбосари***

О. ПЕКОО

2021 йил 9 ноябрь

***Савдо-саноат
палатаси раиси***

А. ИКРАМОВ

2021 йил 9 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**794 «Умумий ўрта таълим муассасасининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2799-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 30 майдаги 6-мх-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2799, 2016 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 280-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. САИДОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 декабрь,
36-тн-сон

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг 2021 йил
17 декабрдаги 36-тн-сон буйруғига
ИЛОВА

«Умумий ўрта таълим муассасасининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Мазкур Намунавий низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаси (бундан

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 декабрда эълон қилинган.

буён матнда умумтаълим муассасаси деб юритилади) педагогик кенгашининг мақсади, асосий вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартибини белгилайди ҳамда педагогик кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишда қўлланилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

795 «Умумий ўрта таълим муассасасининг методик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2781-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 31 мартдаги 3-мх-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг методик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2781, 2016 йил 3 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 18-сон, 205-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. САИДОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 декабрь,
35-тн-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг 2021 йил
17 декабрдаги 35-тн-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Умумий ўрта таълим муассасасининг методик кенгаши
тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».
2. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаси (бундан буён матнда умумтаълим муассасаси деб юритилади) методик кенгашининг мақсади, асосий вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартибини белгилайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

796 «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тураржой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан, бюджет маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2150-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сон «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 11 октябрдаги 86-сон «Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларга тураржой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан, бюджет маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2150, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 375-модда);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 майдаги 46-сон «Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларга тураржой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан, бюджет трансфертларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги буйруғи (рўйхат рақами 2150-1, 2015 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 21-сон, 284-модда).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 декабрь,
78-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

797 Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2896-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 декабрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 29 июндаги 164-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2896, 2017 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 26-сон, 602-модда) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 декабрь,
24-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги
24-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига
хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва
унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Суҳбат Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда ТДЮУ томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.»

2. 12-банднинг учинчи хатбошисидаги «ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «ўрта махсус ва профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 16-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хорижий фуқаролар билан суҳбат бевосита ёки заруратга кўра масофавий (онлайн) тарзда амалга оширилади.»

4. 20-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Масофавий (онлайн) суҳбат коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади. Бунда, ушбу коммуникация технологиялари абитуриентнинг шахсини тасдиқлаш имконини берадиган техник талабларга жавоб бериши лозим.»

5. 24-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Масофавий (онлайн) суҳбатда хорижий фуқаро томонидан саволлар берилган билетни танлаш масофавий тарзда (тегишли билет рақамини реал вақт режимида танлаш орқали) амалга оширилади.»

6. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Суҳбат натижалари унинг бевосита ёки масофавий (онлайн) тарзда ўтказилишидан қатъи назар баллар қўйиш йўли билан 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича балларнинг энг юқори миқдори 25 баллни ташкил этади.».

7. 35-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«35. Суҳбат натижаларига кўра ТДЮУ бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳақида ТДЮУ ректори томонидан буйруқ қабул қилинади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

798 **Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3344*

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 декабрь,
25-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги
25-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив
ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан
ўтказиш ва ҳисобга олиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

техник жиҳатдан тартибга солиш — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

қонунчилик техникаси — ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган қоидалар, методлар, воситалар ва усуллар (инструментлар) мажмуи;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (бундан буён матнда ягона электрон тизим деб юритилади) — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олинишини таъминловчи электрон тизим;

ҳуқуқий экспертиза — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, уларни коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий

ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан текшириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг (бундан буён матнда вазирлик ва идоралар деб юритилади) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва ҳисобга олинади.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, келишиш, қабул қилиш, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш фақат ягона электрон тизим орқали амалга оширилади, бундан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар мустасно.

4. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи масалалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш предмети ҳисобланмайди.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлайди. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қўллаш бўйича тегишли тушунтириш бериш зарурияти юзага келган тақдирда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилган орган тегишли тушунтириш беради.

6. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

2-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг турлари ва амал қилиш муддатлари

7. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар махсус техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг 1 — 9-иловаларига* мувофиқ буйруқ ёки қарорлар билан тасдиқланади.

8. Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

9. Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарор-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ вазирлик ва идораларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари қарорлар тарзида қабул қилинади.

10. Буйруқ ва қарорлар бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

11. Буйруқ ёки қарорлар билан мазкур Қоидаларнинг 1 — 5-иловаларига мувофиқ ушбу буйруқ ёки қарорнинг таркибий қисми бўлган махсус техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг тасдиқланишига йўл қўйилмайди.

12. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар муайян муддатга (вақтинчалик) ёки номуайян муддатга қабул қилиниши мумкин.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин.

13. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг амал қилиш муддати:

аниқ сана билан;

муайян ҳодисанинг юз бериши ёхуд техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадга эришилганлиги билан чегараланиши мумкин.

3-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш

1-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш

14. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазирлик ва идораларнинг бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларига, уларнинг вазифалари ва ваколатларини ҳисобга олган ҳолда, юклатилади. Бунда кўрсатилган лойиҳанинг тайёрланиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар доираси, уни тайёрлаш муддати, зарурат бўлган тақдирда эса, мазкур ишга жалб қилинадиган ташкилотлар аниқланади.

15. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар, шунингдек эксперт кенгашлари тузилиши мумкин.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойи-

ҳалари тегишли соҳа ва мутахассисликка ихтисослашган институтлар (ташкилотлар) томонидан ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

16. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

17. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш талабларига ҳамда қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт.

2-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг тузилиши

18. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг тузилиши тартибга солиш предмети изчил (мантиқий) ривожланишини, шунингдек бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаши лозим.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга уларнинг тартибга солиш предмети билан боғлиқ бўлмаган қоидаларни киритишга йўл қўйилмайди.

19. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг мазмунига мувофиқ бўлган ҳамда тартибга солиш предметини ақс эттирувчи қисқа номга эга бўлиши лозим. Ҳужжат номи аниқ, раво ва имкон қадар ахборотга бой бўлиши лозим.

Агар буйруқ ёки қарор билан махсус техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар ёки бошқа ҳужжат тасдиқланадиган бўлса, мазкур Қоидаларнинг 1 — 9-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарорнинг номида ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланиши кўрсатилиши лозим.

20. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилишдан қўзланган мақсад ва сабабларни тушунтириш учун лойиҳада кириш қисми — муқаддима берилиши мумкин.

Муқаддимада техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилишнинг сабаблари, мақсадлари ва вазифалари кўрсатилади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида қабул қилинаётганлиги кўрсатилади.

Муқаддима бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

21. Ҳар бир қоида араб рақамларида белгиланиб, нуқта қўйилган банд-

лар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат бандлари изчил кетма-кетликда рақамланиши керак. Бандлар доирасимон қавслар билан беркитиладиган кичик ҳарфлар ёки рақамлар кўринишидаги кичик бандларга ҳамда хатбошиларга бўлиниши мумкин.

22. Ҳажмига кўра техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат камайиб боровчи бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларга бўлинади.

Иккинчи ва кейинги хатбошиларни бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар рим, боблар эса араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

3-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг мазмунини баён этиш

23. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда унинг бошқа бандларига, шунингдек бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорланишларнинг олдини олиш учунгина йўл қўйилади.

24. Зарур ҳолларда ҳужжатда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ёхуд халқаро ҳужжатларга ҳавола қилиниши мумкин.

25. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолларда унинг тури, рекевизитлари ва номи кўрсатилиши шарт.

26. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда мавжуд бўлмаган ёки ўз кучини йўқотган деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирмаган халқаро ҳужжатларга ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

27. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак. Бунда ҳужжатнинг ҳар бир банди тўлиқ ва тугалланган маъно ва мазмунга эга бўлиши лозим.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, агар мавжуд бўлса, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

28. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шакллари;

давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда хорижий тилларнинг атамалари;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар.

29. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг матни умумэътироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда техник ва бошқа махсус тушунчалардан фойдаланилган ҳолларда, ҳужжатда уларнинг таърифлари бериледи. Ҳужжатда кўп маротаба қўлланилган бир ёки бир нечта тушунчага таъриф бериш зарур бўлган ҳолларда улар мазкур Қоидаларнинг 1 — 5-иловаларига мувофиқ ҳужжатнинг бошланишида алоҳида бандда кўрсатилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкин.

30. Агар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар ва бланкалар намуналари, услубиётлар берилса, унда улар иловалар кўринишида, ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳаволалар қўлланган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

Иловалар тегишли тартибда араб рақамлари билан рақамланади.

4-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳани тайёрлаш

31. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш тегишлича буйруқлар ёки қарорлар билан расмийлаштирилади.

Муқаддам қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ёки уларнинг тузилмавий бирликларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар мазкур Қоидаларнинг 6 — 9-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарор лойиҳасининг матнига киритилади (ўз кучини йўқотаётган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, чиқариб ташланаётган хатбошилар кўрсатилган ҳолда).

32. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

33. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг кичик бандигача бўлган (кичик бандни ҳам қўшган ҳолда) тузилмавий бирлигининг амал қилишининг тугатилиши ўз кучини йўқотган деб топиш, хатбоши кўринишидаги тузилмавий бирликнинг амал қилишининг тугатилиши эса чиқариб ташлаш деб кўрсатилади.

34. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар ва позицияларни алмаштириш;

кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар номларини янги таҳрирда баён қилиш.

35. Жумланинг, илованинг, бўлимнинг, бобнинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги таҳрирда баён этиш лозим.

36. Қўшимчаларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни янги рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар билан тўлдириш киради.

37. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи ҳужжат қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

нуқтали араб рақамлари билан рақамланадиган бандлар;

доирасимон қавс билан беркитиладиган кичик ҳарфлар ёки араб рақамлари билан белгиланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

38. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг иловалари, бўлимлари, боблари, параграфлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши ўзгармайди.

Агар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат янги тузилмавий бирликлар билан тўлдириладиган бўлса, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, 2¹-банд, «в¹»-кичик банди).

39. Агар тегишли қўшимчалар тузилмавий бирликнинг (бўлим, боб, параграф, банд ёки кичик банд) охирига киритиладиган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом эттирилади (масалан, агар ҳужжатнинг охириги банди 30-банд бўлса, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат 31-банд билан тўлдирилади, агар банднинг охириги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади).

40. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшиладиганда, мазкур банд ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари кетма-кетлиги тегишли тартибда ўзгаради.

41. Киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матнига, уларнинг мазмунига қараб, тиниш белгилари ҳам қўшилади (масалан, «ва стандартлар» деган сўзлар «, стандартлар ва бошқа ҳужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; «, шунингдек ҳужжатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «сув билан таъминловчи корхоналар — » деган сўзлар чиқариб ташлансин).

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг номига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганда ушбу ҳужжат илова-ларининг номи ва илова белгилари қайта кўриб чиқилади.

42. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг банди ёки кичик банди хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади. Масалан:

«(биринчи хатбоши) 11. Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида (гуруҳларда) бўладиган вақти қўйидагича бўлиши мумкин:

(иккинчи хатбоши) болалар 3-4 соат бўладиган гуруҳларда — кундузги уйқу ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин;

(учинчи хатбоши) болалар 9 — 10,5 соат бўладиган гуруҳларда — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак;

(тўртинчи хатбоши) болалар 12 соат бўладиган гуруҳларда — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши, кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

(бешинчи хатбоши) Мактабгача таълим ташкилотларининг болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларида кундузги ва тунги уйқу ҳамда камидан беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шароитлар яратилган бўлиши керак.»

43. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилганда, кейинги тузилмавий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

44. Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта кўриб чиқилади. Масалан:

«2-банднинг «а» кичик бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.»

45. Асосий техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, ушбу ҳужжатга киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар ҳам ўз-ўзидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

46. Агар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг сезиларли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти бўлса ёки айнан бир масала бўйича бир нечта ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланса, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат бир тилда қабул қилинган бўлса ва уни бошқа тилда ҳам қабул қилиш зарурияти бўлса, у ҳолда уларни тартибга солиш мақсадида янги ҳужжат ишлаб чиқилади.

47. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аниқлигини лозим даражада назорат қилишни таъминлаш учун, шунингдек уларни тартибга солиш мақсадида ягона янги ҳужжат ишлаб

чиқилганида вазирлик ёки идора раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан имзоланадиган қиёсий жадвал тайёрланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат билан бирга киритилиши лозим.

48. Қиёсий жадвал учта графадан иборат бўлади:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тегишли тузилмавий бирлигининг таклиф этилаётган таҳрири;

киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни асослантириш.

49. Тегишли тузилмавий бирликнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳриридаги графалари қиёсий жадвалда қуйидаги кўринишда баён этилади:

амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгараётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар «полужирный» шрифти билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган таҳрир графасида тўлдирилаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар «полужирный» шрифти билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги таҳрир графасида ўз кучини йўқотган деб топилаётган кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошилар «полужирный курсив» шрифти билан ажратиб кўрсатилади.

Агар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг тузилмавий бирлиги янги таҳрирда баён этилаётган бўлса, қиёсий жадвалда фақат тегишлича ўзгараётган, тўлдирилаётган, ўз кучини йўқотган деб топилаётган ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар ажратиб кўрсатилади.

Амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгармаган тегишли рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар, киритилган ўзгартиришлар оддий шрифтда берилади.

4-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни расмийлаштириш, келишиш ва қабул қилиш

1-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни расмийлаштириш

50. Буйруқлар ва қарорлар матнлари Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат герби тасвирланган тегишли бланкларда ёзилиши ва уларни қабул қилган органнинг (органларнинг) номи бўлиши лозим.

51. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжат уни тасдиқлаётган буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади, бунда буйруқ ёки қарорнинг тегишли бандида унга мазкур Қоидаларнинг 1 — 9-иловаларига мувофиқ ҳавола бўлиши лозим.

52. Иловалари бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим.

53. Қоида тарикасида, стандарт варақ 1,2 қатор оралиғида («множитель») ёзилиши лозим; ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтида ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

54. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Бундан мазкур Қоидаларнинг 71-бандида кўрсатилган ҳолатлар мустасно.

55. Вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасининг қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, уларни коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказати.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳаси қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлса, шунингдек унда коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи нормалар мавжуд бўлмаса, лойиҳа юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади ва хулоса тайёрланади.

56. Юридик хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳаси бўйича хулоса техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан тайёрланиши ва вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланиши мумкин.

2-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасини келишиш

57. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва идоралар манфаатларига ёки ваколатларига таал-

луқли қоидалар мавжуд бўлса, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳаси ягона электрон тизим орқали манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идоралар томонидан у тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида эътирозларсиз келишилиши ёки асослантирилган эътирозлар билан қайтарилиши керак.

Келишилаётган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳаси вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Бунда, лавозим номи, фамилия, исмининг бош ҳарфи, шунингдек келишилиш санаси кўрсатилиши лозим.

58. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни келишиш давомида вазирлик ва идоралар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, бундай ҳужжат келишмовчиликлар бартараф қилингунига қадар қабул қилиниши мумкин эмас.

3-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилиш

59. Вазирлик ва идора томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан буйруқ ёки қарорни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш йўли билан қабул қилинади.

Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар вазирлик ва идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланганда, имзолар тегишли вазирлик ва идоранинг муҳри билан тасдиқланади.

60. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Бунда, ҳужжатнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг таржималари унинг давлат тилидаги таҳририга мувофиқ бўлиши шарт.

61. Вазирлик ёки идора раҳбарига икки ёки ундан ортиқ лавозимдаги вазифаларни бажариш юклатилган бўлса, у ҳолда ҳужжатнинг реквизитларида унга ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатни имзолаш ҳуқуқини берувчи лавозими кўрсатилади.

Вазирлик ёки идора раҳбари вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, таътилдалиги ёки бошқа сабабга кўра бўлмаганида унинг вазифасини бажаришни юклаш тегишли вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзоланган ташкилий-бошқарув ҳужжатида назарда тутилган бўлиши лозим.

62. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат иккита асл нусхада (битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги учун) қабул қилинади.

**5-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги
норматив ҳужжатнинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши,
ҳисобга олиниши ва кучга кириши**

**1-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги
норматив ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлигига тақдим этиш**

63. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат тасдиқланган ҳолда уни қабул қилган орган томонидан ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат қабул қилинган куннинг ўзида ягона электрон тизим орқали тақдим этилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни белгиланган муддат давомида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун тақдим қилиш факти ягона электрон тизим орқали келиб тушган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги девонхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган санадан қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, унинг ҳуқуқий экспертизаси натижаси бўйича ҳужжатни ҳисобга олиш тўғрисида хулоса ёки ҳисобга олишни рад этиш тўғрисидаги хат расмийлаштирилгунга қадар ушбу ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза ва ҳисобга олиш учун такроран киритишга йўл қўйилмайди.

Мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган талабга риоя қилинмасдан такроран тақдим этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ҳужжатни тақдим этган органга қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун битта кузатув хати билан фақатгина битта техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат тақдим этилади.

64. Кузатув хатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим.

65. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган кузатув хати билан иккита асл нусхада тақдим қилинади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ҳисобга олингандан сўнг унинг битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қолади.

66. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга уни тақдим этган органнинг юридик хизмати раҳбари (вазирлик ёки идоранинг раҳбари ёки тегишли ўринбосари) томонидан имзоланган юридик хулоса илова қилинади.

67. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган тақдирда, юридик хулосада вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажаришни юклаш, шунингдек мазкур вазифаларни бажариш муддати кўрсатилган тегишли ташкилий-бошқарув ҳужжатининг (мазкур ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда) реквизитлари бўлиши лозим.

68. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат унинг амал қилиш муддатидан (доимий амал қилувчи, вақтинчалик (маълум бир муддатга қабул қилинган), шунингдек ундаги қоидаларнинг қандай хусусиятда бўлишидан, шу жумладан давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга ёки махфий маълумотларга эга бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва ҳисобга олиниши лозим.

2-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш

69. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилади. Агар кўрсатилган муддатнинг тугаши иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, унда ҳисобга олиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига қадар узайтирилади.

Агар тақдим этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат, шу жумладан малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан қўшимча ўрганишни талаб этадиган бўлса, ушбу ҳужжатни кўриб чиқиш муддати ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

70. Тақдим қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

а) ҳужжат қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига зид бўлса, уларда коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар мавжуд бўлса;

б) ҳужжат мазкур Қоидалар билан ўрнатилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳисобга олиш учун тақдим этиш тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилган бўлса. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳисобга олиш учун тақдим этиш тартиби бузилганлиги сабабли ҳисобга олиш рад этилса, ҳуқуқий экспертиза ўтказилмайди;

в) ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса;

г) ҳужжатда ҳуқуқий нормалар қўлланилган бўлса;

д) ҳужжат мазкур Қоидалар билан ўрнатилган бошқа талабларга жавоб бермаса.

71. Ягона электрон тизим орқали тақдим этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижасида унда техник кўринишдаги, шу жумладан ҳужжат мазмунининг ўзгаришига олиб келмайдиган хатоликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, мазкур хатоликлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ягона электрон тизим орқали бартараф этилиши мумкин. Бунда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда аниқланган техник кўринишдаги, шу жумладан мазмун ўзгаришига олиб келмайдиган хатоликлар ҳужжатни қабул қилган орган (органлар) раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан имзоланган тегишли хатга асосан бартараф этилади.

72. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳисобга олиш рад этилганда, ўн кун ичида вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан ҳисобга олиш рад этилган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилинади.

Ҳисобга олиш рад этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат бекор қилинганидан сўнг вазирлик ва идоралар рад этиш сабабларини бартараф этиши ва ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун такроран тақдим этишлари мумкин.

Ҳисобга олиш рад этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат бекор қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хулосасини эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқиши ва ҳисобга олиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

Мазкур Қоидаларнинг 70-банди «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган асослар бўйича ҳисобга олиш рад этилганда, вазирлик ва идоралар бир ой ичида рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш учун такроран тақдим этишга ёхуд ҳужжатни бекор қилишга мажбурдирлар.

73. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар уларни қабул қилган вазирлик ёки идораларнинг тегишли хатига асосан ҳуқуқий экспертизанинг исталган босқичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайтариб берилиши ва кўрмасдан қолдирилиши мумкин.

74. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш ягона электрон тизим орқали техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланадиган хулоса билан расмийлаштирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисоб-

га олиш тўғрисидаги хулоса асосида ҳисобга олиш рақами берилган ҳолда Давлат реестрига тегишли маълумот киритилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар реестри электрон шаклда юритилади.

Вазирлик ва идоралар ҳисобга олинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан электрон кўринишда юклаб олишлари мумкин.

75. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар мазкур Қоидаларда ўрнатилган асосларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олиниши лозим.

3-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг кучга кириши

76. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат, агар қонунчилик ҳужжатларида ёки ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат шу санадан бошлаб кучга киради.

77. Ҳисобга олиниши лозим бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, улар ҳисобга олинмасдан ва расмий эълон қилинмасдан, ижрога юборишга йўл қўйилмайди. Ҳисобга олиниши лозим бўлган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинмаган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида қўлланилмайди.

6-боб. Яқуний қоидалар

1-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш

78. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан, мавжуд соҳадаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш талаб этилган тақдирда, шу жумладан вазирлик ва идоралар томонидан янги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек уларни қабул қилган вазирлик ва идораларнинг ташаббуси бўйича амалга оширилади.

79. Қонунчилик ҳужжатлари ўзгарган ёки мавжуд соҳадаги техник

жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш талаб этилган тақдирда, вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар.

80. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қонунчилик ҳужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ўзгариши муносабати билан ёхуд вазирлик ёки идора ташаббуси бўйича қайта кўриб чиқишда айрим техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг амал қилишини тугатиш зарурати юзага келган тақдирда, вазирлик ва идоралар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги тегишли буйруқ ёки қарорни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

81. Илгари қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни (тузилмавий бирликни) ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ёки унинг тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш, илгари қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат (тузилмавий бирлик) амал қилишининг тикланишига олиб келмайди.

82. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга ваколатли бошқа орган томонидан ушбу ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Бошқа вазирлик ва идоралар билан қўшма ҳолда қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга шу вазирлик ва идоралар билан қўшма ҳолда ўзгартириш, қўшимчалар киритилади ёки ўз кучини йўқотган деб топилади.

Бир нечта вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар келишилган вазирлик ва идоралардан қайси бирининг манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилса, ўша вазирлик ва идоралар билан келишилади.

Бошқа вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар шу вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ўз кучини йўқотган деб топилади.

Агар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар уни қабул қилишда иштирок этмаган вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим бўлса, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу вазирлик ва идоралар билан ҳам келишилиши лозим.

83. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган вазирлик ёки идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади.

84. Вазирлик ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирлик ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

2-§. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни эълон қилиш ва уларнинг матнларини тарқатиш

85. Ҳисобга олинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинади.

Вазирликлар ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни (зарур бўлган тақдирда, ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга) улар расмий эълон қилингандан кейин ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириши мумкин.

86. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни эълон қилиш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинган рақами ва санаси кўрсатилиши мажбурийдир.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва маълумотларнинг электрон базаларида эълон қилишда (тарқатишда), шунингдек қайта чоп этиш йўли билан тарқатишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинган рақами ва санаси ҳужжатнинг биринчи варағининг марказида унинг номининг остига қўйилади.

87. Вазирлик ва идоралар, ўз ваколатлари доирасида, ўзлари томонидан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 17 ноябрдаги 343-В-8-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 11 ноябрдаги 43-сон «Тижорат банкларида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-8.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 01-02/8-51-сон «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3343.

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 17 декабрдаги 36-тн-сон ««Умумий ўрта таълим муассасасининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2799-1.

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 17 декабрдаги 35-тн-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг методик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2781-1.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 17 декабрдаги 78-сон «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга

тураржой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан, бюджет маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2150-2.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 24-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2896-1.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 25-мх-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3344.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 11 октябрдаги 86-сон «Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларга тураржой сотиб олиш учун мақсадли трансфертлар, шу жумладан, бюджет маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2150, 2010 йил 29 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2150-1, 2015 йил 27 май).

2021 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.